







## Ислом Нури

### Шарх:

Фарзандлар ва уларнинг тарбияси оталар бўйнига юклатилган катта омонат бўлиб, улар ҳақида оталар қиёматда жавобгар бўладилар. Шунинг учун ҳам фарзандларини Аллоҳ таоло хоҳлагандай тарбиялаб, парваришлаш оталарнинг асосий вазифаси бўлмоғи керак. Фақатгина едириб-ичириш, кийинтириш билан кифояланиб, уларнинг тарбиясидан бепарво қолиш дунёда надомат ва пушаймонликка сабаб бўлса, охиратда эса бу буюк омонатни зое қилган оталарнинг оғир азобларга гирифтор бўлишларига сабабдир.

### Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Фарзандлар оталар қўлидаги омонат бўлиб, уларнинг тарбияси ҳақида охиратда сўраладилар.
2. Фарзандлар тарбиясига бепарво бўлиш дунё ва охиратда надоматга сабаб бўлади.
3. Фарзандларни яхши тарбиялаб, солиҳ инсон қилиб етиштириш оталарнинг дунё ва охиратларига манфаатлидир.